



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 16
(937)
2025 йил
24 апрель,
Пайшанба



ЭСКИ БАШОРАТЛАРНИ УНУТИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

1997 йилда ўз даврининг йирик геостратегларидан бири бўлган Збигнев Бжезинский ўзининг “Буюк шахмат тахтаси” китобида Фарғона водийсини геосиёсий кескинлик ўчоғига айланишини башорат қилган, айрим экспертлар эса ҳатто “порох бочкаси”га ўхшатган эди. Дарҳақиқат, учта мустақил мамлакатга дахлдор бу қадимий ҳудудда яқин-яқингача шундай воқеалар рўй бердики, кўпчилик бу машъум башорат ҳақиқатдан унчалик ҳам йироқ эмаслигига ишонганди.

Аммо бугун биз бутунлай бошқача воқеликда яшамоқдамиз. Президент Шавкат Мирзиёевнинг узокни кўра биладиган раҳбарлиги, тизимли ва чуқур ўйланган ислохотлари туфайли Фарғона водийсининг учта вилояти ва унинг юраги бўлмиш Андижон бутунлай ўзгариб кетди.

Бугунги кунда Андижон иқтисодий ўсиш, тадбиркорлик ташаббуси, инновация руҳи, интеллектуал тараққиёт ва маданий тикланишнинг қудратли марказига айланган. Бу шундай заминки, ҳар бир янги лойиҳа келажак пойдеворини мустаҳкамлайдиган тамал тошидир. Бу ерда одамлар орзу қиляпти ва ўз мақсадларига эришяпти. Ўқийман, изланаман, даромад топаман ва бошқаларга ҳам даромад манбаи яратаман деганларга – кенг йўл. Янги – Бобур шаҳри қурилмоқда.

Тан олиш керак, Андижон — илм, интилиш, меҳнатсеварлик ва тўғри йўлга қўйилган давлат сиёсати бутун бир ҳудудни нақадар ўзгартириб юбориши мумкинлигининг ёрқин намунаси. Аҳолиси зич,

ер ресурслари чекланган, яқингача саноати фақат Асака заводидан иборат бўлиб келган вилоят аҳли Президентимиз олиб бораётган ислохотлар кучидан, яратилган ҳар бир имкониятдан тўлиқ, максимал даражада фойдаланяпти, ҳар жабҳада реал, кундалик ҳаётда сезиш мумкин бўлган натижаларга эришяпти. Бундан қувонсак ва ибрат олсак арзийди, албатта.

Эски башоратларни унутиш вақти келди. Эндиликда, шу жумладан уч давлат раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари ва дўстлиги туфайли бугун Фарғона водийси “порох бочкаси” эмас, балки имкониятлар, фаровонлик, тинчлик, яхши кўшничилик ва бунёдкорлик маконига айланди. Андижон, Фарғона ва Наманганга келсак, улар эртанги кунга ишонч ва кучли, адолатли Давлат раҳбарининг эътибори билан халқимиз нималарга қодир эканини исботламоқда.

Шерзод АСАДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти матбуот котиби





Маҳалла: ЯНГИ ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДАГИ ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР

олиб бориб, амалга оширилаётган ислохотларнинг локомотив бўғинига айланди.

Ўтган давр мобайнида “маҳалла еттилиги” томонидан аҳолини иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, оилаларда тинчлик-тотувлик ва ҳамжихатликни тарғиб этиш мақсадида кенг камровли ишлар амалга оширилди.

“Маҳалла еттилиги”нинг ўтган бир йиллик фаолияти давомида 4 минг 901 та (52 фоиз) маҳалла жиноятчиликдан, 2 минг 930 та (31 фоиз) маҳалла оилавий ажримдан, 1 минг 795 та (19 фоиз) маҳалла ишсизликдан ҳоли ҳудудга айлантирилди.

Юқорида таъкидланганидек, жорий йилнинг май-июль ойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғини раислари сайловига Республика штаби ва жойлардаги комиссиялар томонидан қизғин тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, Маҳаллалар уюшмасида Республика штаби, 14 та ҳудудда ҳамда 208 та туман ва шаҳарларда маҳалла раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи комиссиялари қошида Штаблар фаолияти йўлга қўйилди.

9 452 та маҳалладаги ишчи гуруҳларнинг иш самарадорлигини ошириш учун 10 турдаги канцелярия маҳсулоти, ҳар бир маҳаллага сайловга оид тарғибот плакатлари, сайловга чорловчи баннерлар ҳамда номзодлар ва сайловга оид маълумотлар стенди билан таъминлаш кўзда тутилган.

14 та ҳудудда Кенгашларнинг сессиялари ўтказилиб, маҳалла раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари (жами 338 нафар аъзолардан иборат) ва чора тadbирлар режаси тасдиқланди.

208 та туман (шаҳар) Кенгашлари сессиялари қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссиялари (жами 4 090 нафар аъзолардан иборат) тасдиқланди.

Маҳалла раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича 9 452 та маҳаллада фуқаролар йиғинлари вакиллар йиғилишлари қарори билан ишчи гуруҳлари (85 150 нафар аъзолари) тасдиқланди.

Адлия вазирлиги билан биргаликда жорий йилнинг февраль-март ойларида қўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлари аъзолари ўқитилди.

Май-июль ойларида бўлиб ўтадиган сайловларда ишчи гуруҳлар томонидан 208 та туман (шаҳар) қўмаклашувчи комиссияларнинг қарори билан 9 452 та маҳаллада вакиллар миқдори белгиланди.

Матбуот анжуманида сайлов кампаниясининг расмий белгиси ва шиорлари тақдими ҳам бўлиб ўтди. Шунингдек, жамоатчилик фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари ўзларини қизиқтирган саволлар юзасидан атрофлича жавоб олишди.

**Ўзбекистон Маҳаллалари
уюшмаси матбуот хизмати**

Ёшлар ижод саройида май-июль ойларида бўлиб ўтадиган маҳалла раиси сайловларини ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Бугунги кунда маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш, тизимни босқичма-босқич ривожлантириш, унинг молиявий имкониятларини янада кенгайтириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимиз томонидан маҳалла тизимининг аниқ механизми белгилаб берилган. Маҳаллага қўшимча куч ва имкониятлар тақдим этиляпти, ваколат ҳам, масъулият ҳам куйи тизимга туширилмоқда.

Натижада маҳалла ҳар бир оила, ҳар бир инсон муаммоси, дард-у ташвишига чуқур кириб бора оладиган халқчил тузилма сифатида янада фаоллашди. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори “маҳалла еттилиги”ни ташкил қилиб, ягона жамоа сифатида ишлаш тартиби жорий этилди.

Бугунги кунда, 9 452 та маҳаллада 57 минг 132 нафар “Маҳалла еттилиги” аъзолари фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги Қонунига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ эндиликда маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг ваколат муддати 5 йилга узайтирилди. Шу билан биргаликда мустақил мамлакатимиз тарихида илк бор сайловлар янгича демократик тамойиллар асосида, очиклик ва ошкораликда, фуқароларимизнинг хоҳиш ва

иродасини эркин ифода этиш принципларига хос тарзда ўтказилади.

Қонунчиликдаги муҳим ўзгартиришлардан яна бири маҳалла раиси сайловини ўтказиш муддатларини белгилаш нормаси эндиликда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари ваколатига ўтказилган бўлиб, ушбу ўзгартириш жойлардаги маҳаллаларнинг маҳаллий вакиллик органлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйишига ёрдам беради.

Бундан қўзланган асосий мақсад, маҳалла раиси сайловига тайёргарлик тadbирларини, ўтказиш муддатларини ва тартибини белгиловчи ваколатларни номарказлаштириш ҳисобланади.

Қонунга киритилган муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар фуқаролар йиғини сайловини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, сайловга тайёргарлик тadbирларини ўтказиш муддатларини тартибини белгиловчи ваколатларни номарказлаштиришга, фуқаролар йиғинлари раисларини ўз билим ва қobiliятларини тўлиқ намоён этишларига хизмат қилади.

Шунингдек матбуот анжуманида Маҳаллалар уюшмаси томонидан 2024 йилда бажарилган ишлар ҳисоботи ва келгусида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар муҳокамаси ҳам бўлиб ўтди. Бугунги кунда юртимиздаги маҳаллалар тўлиқ замонавий шаклда фаолият





Оролбўйи ҳудудида дарахт кўчатлари ажратилди

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури ва Глобал Атроф-муҳит жамғармасининг “Орол денгизи ҳавзаси ландшафтининг таназзулга учраган ерларида барқарор ҳаётни таъминлашни қўллаб-қувватлайдиган асос сифатида кўллар, сув-ботқоқ ва қирғоқбўйи ҳудудларини сақлаш ҳамда бошқариш” қўшма лойиҳаси доирасида 3400 туп дарахт ва буталар кўчатлари Қипчоқ давлат ўрмон хўжалиги ва Қуйи Амударё давлат биосфера резерватига ажратилди.

Мазкур ташаббус Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё вилоятида ўрмон ва боғ кўчатларини кенгайтириш, Оролбўйи ҳудудининг экологик барқарорлигини мустаҳкамлаш ва иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини камайтиришга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, жадаллаштирилган саноатлаштириш, урбанизация ва иқлим ўзгариши шароитида аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш ва яшил ҳудудлар улушини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Табиий ресурсларни барқарор бошқаришнинг самарали воситаларидан бири бу ўрмонлар барпо этиш бўлиб, у тупрокнинг унумдор қатламини тиклаш ва ер деградацияси нейтраллиги мақсадларига эришишга ёрдам беради. Ўзбекистоннинг экологик нуқтаи назардан энг заиф минтақаларидан бири бўлган Оролбўйида экологик вазиятни яхшилашда “яшил белбоғлар”нинг яратилиши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу чора-тадбирлар атроф-муҳитга антропоген таъсирларни бартараф этиш, биохилма-хилликни сақлаш ва табиий экотизимларнинг барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Лойиҳа доирасида Қуйи Амударё ва Орол денгизи ҳавзаларида экологик барқарорликни ва аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсад қилинган. Асосий эътибор ер деградациясининг олдини олиш ва муҳофаза этиладиган ҳудудлар, асосий биологик хилма-хиллик ҳудудлари ва қушлар йўллари атрофида сув ва ерни комплекс бошқаришга қаратилган.

Орол денгизи ҳавзаси фожиаи даражада саёзлигига қарамай, ҳали ҳам муҳим экологик аҳамиятга эга. У Европа, Осиё ва Африка ўртасида қушлар миграцияси учун муҳим рол ўйнайдиган ноёб сувли-ботқоқ ерлар ва қирғоқ экотизимларини ўз ичига олади.

3 минг 400 туп мевали дарахт кўчатлари боғлар ва дарахтзорлар майдонини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда вилоят фаунасини янада бойитиш имконини беради. Бу келгусида Оролбўйида озик-овқат ва экологик хавфсизликни мустаҳкамлайди.

Лойиҳанинг комплекс ёндашуви, давлат ва жамоат тузилмалари, шунингдек, маҳаллий ҳамжамиятларнинг иштироки ерларнинг деградациясига қарши кураш ва минтақанинг табиий салоҳиятини тиклашда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимлигини таъкидлайди.

Экологик муаммоларни ҳал қилишда комплекс ёндашув

Халқаро Орол туризми ҳафталиги доирасида Қорақалпоғистон Республикасида ўз фаолиятини минтақани тиклаш ва барқарор ривожлантириш муаммоларига бағишлаган етакчи мутахассис ва олимларни жамлаган “Оролбўйи эзгу ният элчилари” халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

Оролбўйи минтақасидаги экологик инқирозни ҳал қилишда илмий асосланган ва амалий йўналтирилган ёндашувларни ишлаб чиқишга салмоқли ҳисса қўшган уч нафар экспертнинг маърузалари алоҳида қизиқиш уйғотди: Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Зиновий Новицкий (Ўзбекистон), Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети катта ўқитувчиси Др. Олалейкан Ибитое ва Шинжон экология ва география институти халқаро алоқалар департаменти директори доктор Сяо Жианфанг (Хитой).

З.Новицкий ўз маърузасида Оролбўйида экологик муаммолар мамлакат тарихида биринчи марта конституциявий даражада мустаҳкамланганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституциясининг 49-моддасига мувофиқ, давлат экологик тизимни муҳофаза қилиш ва тиклаш, шунингдек, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чораларини кўради. Ўрмонларнинг қуриган тубида мелиоратив ҳолатни яхшилаш бўйича алоҳида лойиҳалардан тизимли ва илмий асосланган тадбирларга ўтиш муҳимлигини таъкидлади. Маърузачининг таклифлари орасида яйловлар яратиш учун қаторлар орасига ем-хашак ўсимликлари кўчатларини экиш, бундай кўчатларни етиштириш бўйича Миллий марказни ташкил этиш ва кейинчалик вилоят марказига айлантириш, экотуризмни ривожлантириш, Халқаро ёшлар экологик марказини ташкил этиш, Ўзбекистон ва Қозғистон қуриган денгиз тубининг ўрмон мелиоратив ҳолатини ривожлантиришнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш киради.

Доктор Олалейкан Ибитое ўз нутқида ички денгизларнинг аҳамияти ва биологик хилма-хилликни сақлашнинг иқтисодий фаровонликка таъсирини таъкидлади. У Орол фожияси бутун дунё учун яққол сабоқ бўлишини таъкидлади: ички сув ҳавзалари экотизимининг йўқолиши иқтисодиёт, аҳоли саломатлиги ва турмуш даражасига бевосита таъсир қилади. Минтақада биологик хилма-хилликни сақлаш нафақат экологик, балки қайта тиклашнинг иқтисодий дастагига айланиши, экотуризм, экологик йўналтирилган қишлоқ хўжалиги ва барқарор бандлик шакллари ривожлантиришга кўмаклашиши мумкин. У мамлакатлар ўртасида илмий алмашинув

зарурлигига, экологик таълимни минтақавий ва халқаро барқарор ривожланиш дастурларига интеграциялашувига алоҳида эътибор қаратди.

Доктор Сяо Жианфангнинг маърузаси Орол денгизи минтақаси экологияси ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликка бағишланди. Олим минтақа давлатлари раҳбариятлари томонидан белгиланган стратегик вазифаларни амалга ошириш учун қўшма илмий тадқиқотлар ва амалий лойиҳаларни фаоллаштириш зарурлигини таъкидлади. 2023 йил октябрь ойида бўлиб ўтган “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро ҳамкорлик форумида ташаббус кўрсатган Марказий Осиёда яшил технологияларни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар режаси муҳим ташаббуслар қаторига киради. Маърузачи Орол бўйича тадқиқотларга ҳозирда 90 га яқин давлат, жумладан, Германия, АҚШ, Хитой, Россия ва Ўзбекистон қўшилганини маълум қилди. Эксперт халқаро иштирок янада кенгайишига ишонч билдирди. У вилоятнинг турли ҳудудларида шамол эрозияси хавфини баҳолаш бўйича маълумотларни тақдим этиб, Орол денгизининг шарқий қисми энг юқори хавф зонасида – 93 фоиз эканлигини таъкидлади. Орол денгизи тубидаги чанг жуда катта масофаларга — Шимолий муз океани, Эрон, Япония ва ҳатто Францияга тарқалади. Қўшма экспедициялар доирасида қурийдиган тубини ҳам, Амударё дельтасини ҳам камраб олган 43 та тадқиқот ҳудуди ташкил этилди. 2025-йилга мўлжалланган тадбирлар қаторида Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Навоий ва Жиззах вилоятларида бешта галофит ботаника боғи барпо этиш, гермплазма банкини ташкил этиш ва шўрхоқ ҳудудларни экологик жиҳатдан бошқариш соҳасида Марказий Осиё салоҳиятини мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Мутахассисларнинг тақдимотларида Оролбўйининг қайта тикланиши илмий ёндашув, халқаро ҳамкорлик ва давлатлар томонидан тизимли ёрдам кўрсатишни талаб қилишини кўрсатди. Тақдим этилган ташаббуслар нафақат келгусидаги ишлар йўналишларини белгилаб беради, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарор ва экологик йўналтирилган ривожланишига асос бўлади.

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
Ахборот хизмати**



ННТ давлат томонидан янада қўллаб-қувватланади

Янги Ўзбекистонда эркин ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2017-2024 йилларда фуқаролик жамияти институтларини бевосита қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини оширишга қаратилган 64 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, зарур ҳуқуқий ва институционал база яратилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда биринчи маротаба фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилди. Жумладан, 69-моддада “Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади” деб мустаҳкамлаб қўйилди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши бу борадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга мустаҳкам замин яратмоқда.

Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг демократик ташкилий-ҳуқуқий тизими яратилиши натижасида Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қув-

ватлаш Жамоат фонди томонидан сўнгги тўрт йилда 2 934 та лойиҳалар қўллаб-қувватланган бўлса, бу кўрсаткич 2008-2016 йилларга нисбатан 30 баробарга ортганини кўришимиз мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш божлари ўртача икки баробар пасайтирилди ҳамда ўз тадбирларини ўтказишда адлия органининг руҳсатини олиш талаби бекор қилиниб, уларнинг фаолият эркинлиги янада мустаҳкамланди.

Шунингдек, ННТ томонидан маблағларни жалб қилиш жараёнлари соддалаштирилиб, шу жумладан маблағ олиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш муддати 40 кундан 15 кунга қадар қисқартирилди. Махсус ҳисоб рақам очиш талаби бекор қилингани, адлия органлари билан келишмасдан олинган маблағ миқдори 5 бараварга оширилгани натижасида сўнгги 7 йилда жалб этилган халқаро грантлар миқдори 125 млн. доллардан ошди.

ННТлар фаолиятини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган, бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси куни кеча бўлиб ўтган ялпи мажлисда иккинчи ўқишда қабул қилинди.

У билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси янги, Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашуш, деб номланган 1978-модда билан тўлдирилмоқда. Унга кўра, давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашуш — базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда, худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шу билан бирга, мазкур кодекс Жамоатчилик назоратини амалга ошириш натижалари бўйича тайёрланган якуний ҳужжатни кўриб чиқмаслик, деб номланган яна бир янги 1987-модда билан тўлдириляпти. Унга кўра, жамоатчилик

назорати субъектлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш натижалари бўйича баённома, хулоса, маълумотнома шаклида ёхуд қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклда тайёрланган якуний ҳужжатни белгиланган муддатда кўриб чиқмаслик — мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳужжат билан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида соҳадаги айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарима миқдорлари сезиларли даражада камайтирилиб, ННТ фаолиятига дахлдор бўлган айрим масалаларга аниқлик киритилмоқда.

Умуман олганда, мазкур ҳужжат нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, шаффофлигини ошириш ҳамда соҳада ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини йўлга қўйишга хизмат қилади.

Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери ўринбосари





ЛОҚАЙДЛИК — МИЛЛАТ ТАНАЗЗУЛИ

Янги Ўзбекистонни қуриш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо қилишда фуқаролардан давлат ва жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этишлари талаб этилади. Бунинг учун халқни бир мақсад йўлида, эзгуликлар сари сафарбар этиш, инсонлардаги лоқайдлик ва бепарволикка барҳам бериш лозим бўлади.

Лоқайдлик бу — бурч ва масъулиятни ҳис қилмаслик, атрофдагиларнинг, ўзининг тақдири ва келажагига дахлдор воқеликларга эътиборсизликдир. Инсонларнинг бепарво, лоқайд бўлиб қолишларининг охир-оқибати фожадир. Баъзи кимсаларнинг ёвузликка қўл уришлари лоқайдлик натижаси эканини асло унутмаслик керак.

Бугун кишиларга “бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган” одамлардан эҳтиёт бўлиш кераклигини, уларнинг Ватанига ҳам, эл-юртига ҳам фойдаси тегмаслигини, аксинча зарари бўлишини уқтириш лозим. Чунки азалдан маълумки, бепарво, лоқайд одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Душманнинг кимлиги, асл киёфаси аввалдан маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг киёфасини, унинг мақсадини бирданга билиб бўлмайди.

Амир Темури бобомиз шундай деган: “Тажрибамда кўрилган-ким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир”.

Бугун оиладаги тарбия ҳақида гап кетса, кўпчиликнинг пешанаси тиришади. Ота-она ишда. Болага тарбия беришга ҳафсаласи ҳам, вақтлари ҳам йўқ уларнинг. 16 ва 17 ёш — энг нозик палла. Биз эса аксига олиб, айни шу вақтда тарбияни ҳам, назоратни ҳам эътибордан қочирамиз. Фарзанд ўзи билганича ўсади. Бола тараллабедод ҳаёти ҳақида ота-онасига сездирмайди. Тенгқурлари билан билганини қилади. Бу эса салбий ҳолатларни олиб келишига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бугун айниқса, вояга етмаган ёшлар одобсиз, ахлоқсиз, тарбиясиз бўлиб вояга етмоқдалар. Чунки бундай ёшларнинг ота-онаси ҳам ўзга юртларда пул топиш илинжида бўлиб, фарзанд тарбияси, илм олиши, касб-хунарли бўлиши ҳақида ўйламапти. Мана шу масалани

ҳаммамиз яхши англаб олишимиз керак.

Ваҳоланки, ён-атрофимиздаги инсонларга, воқеа-ҳодисаларга нисбатан қанчалик лоқайд бўлсак, унинг сиртмоғи шу қадар кўп одамни ўз домига тортаверади. Муаммоларга ўралашиб қолган одам, аввало, теварагидан ечим, малҳам, таскин кутади. Жавоб бўлмагач оқибати аянчли тугайди.

Қопқон ҳикосини эсга олайлик. Кунларнинг бирида сичқон ферма хўжайини қўйган қопқонни кўриб қолди. У бу ҳақда қўйга, товукка ҳамда сизирга айтиб берди. Аммо улар бунга жавобан: “Қопқон бизнинг муаммомиз эмас. Биз унинг нимасидан кўрқамиз? Унинг бизга ҳеч қандай алоқаси йўқ”, дея унга бефарқ бўлишди.

Кунлар ўтиб, бир куни қопқонга илон тушиб қолди ва хўжайиннинг хотинини чақиб олди. Хотинининг танасидан илоннинг захрини чиқариб ташлаш ва унга қувват бўлади, деган умидда фермер товукни сўйди-да, шўрва тайёрлаб берди. Касалманд хотинини кўришга келаётганлар олдида уялиб қолмаслик учун қўйни сўйди ҳамда унинг гўштидан турли таомлар тайёрлаб, меҳмонларни кутиб олди. Аммо, афсуски, хотини вафот этди. Маъракани ўтказиш учун фермер сизирни ҳам сўйишга мажбур бўлди...

Ёшларни жамиятга керакли аъзо қилиб тарбиялаш ва онгида соғлом ақида, ватанпарварлик, меҳр-мурувват тушунчаларини уйғотиш ҳар бир ота-онанинг асосий бурчи бўлиши лозим.

Ҳозирги даврда, жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, ёшлар келажагига раҳна соладиган ёки маънавияти ва онгига ўз таъсирини ўтказиш учун турли усулларни қўлловчи ғаразли кучлар бор. Бу вазиятда барча жамият аъзоларидан фарзанд тарбиясида бепарво ва лоқайд бўлмаслик талаб этилади. Минг афсуски, юртимизда ёшларга яратиб берилаётган имко-

ниятларга бефарқ оила бошилари ҳам кам эмас. Оқибатда бу лоқайдлик, катта жиноят ва ўзлари учун оғир хорликни олиб келишини унутиб қўймоқдалар. Ҳаётга лоқайд боққан киши қандай қилиб фарзандига масъулият, бурч каби тушунчаларни уқтира олади? Бундай тарбия олган бола, қандай қилиб ота-она, оила, энг асосийси, Ватан равнақи ҳақида қайгуради?

Аксариятимиз шу даражада худбин одамларга айландикки, яқинларимиз аҳволи билан қизиқмаймиз. Лоқайдлик занжири бора-бора улкан халқани ташкил этади. Оқибатда жамиятда бир-биридан кўрқинчли жиноятлар, қутилмаган қилмишлар содир бўлаверади.

Ҳинд фильмларини кўрган бўлсангиз, кўчада бир қахрамон бошқасини роса тепкилаб-уради, одамлар “ҳой, тўхта” деб ажратиш ўрнига йиғилиб томоша қилишади. Биз ҳам худди шу томошабинларга ўхшаб қолдик, ҳатто аянчли манзараларга қарсак чалиб қўямиз гоҳида. Кимдир кўнгилсизлик ботқоғига ботдими, фақат кузатишимиз кифоя қилади, гўё. Уни қўллаб-қувватлаш, муҳофаза қилишга камдан-кам одам бел боғлайди. Кўрқоқлик васвасаси дилларга ваҳима солади. Агар биз ҳам аралашсак, гўёки жавобгарликка тортиладигандек, кейин бизга ҳеч ким ёрдам қўлини чўзмайдигандек туюлаверади.

Тарихдан яхши маълумки, миллат ва юрт фидойилари лоқайдлик курбони бўлишди. Юртни озодликка ва ўз халқини маърифатга ундаган Бехбудий, Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирни айнан лоқайдлик мавҳ этдику.

Тезкор ўзгаришлар бўлаётган бугунги даврда мудраётган одамлар ҳақида нима дейиш мумкин? Кўзи очик ҳолда ухлаётган, ўзини кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олаётган ёхуд умуман бефарқ, лоқайд бўлиб бораётган инсонлар жамиятга қандай наф келтиради?

Бугун ижтимоий тармоқлар фикрлар майдонига айлангандек, гўё. Ҳар қандай мавзу, ҳар қандай фикр тармоқ фойдаланувчиларини фикрлашга, ўз сўзини айтишга чорлайди. Аммо улар орасида хато фикрлаётганлар ҳам бор. “Қандай ўзгаришлар бўлаётгани билан нима ишингиз бор? Фикр билдирасизми ёки йўқ буни ҳеч ким эшитмайди”,

— дейди улардан бири.

Буни қарангки, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларга қизиқмайдиган, ҳатто фикр юритишни, ўз сўзини айтишни истамаётганлар ҳам бор. Бундай иллатлардан қутилишнинг бирдан бир йўли — оилани мустаҳкамлаш ва фарзанд тарбиясига бефарқ бўлмасликдир.

Ватан — ҳаммамизни жам қилиб, тилимиз, динимиз, эътиқодимиздан қатъи назар, яхши-ёмон амалимиз билан бағрига босган замин. Тарихимиз, тақдиримиз, бугунимиз ва эртаимиз ҳам шу Ватанда. Ўзини шу Ватан фарзанди, деб ҳисоблайдиган ҳар бир фуқаро эзгу ўйи, яхши сўзи ва хайрли амали билан юрт ривожига ҳисса қўшиши лозим.

Бугунги ўта мураккаб ва таҳликали даврда лақмалик ҳам лоқайдлик ҳам, жамиятдаги тинч осуда ҳаётга, хавфсизликка зарар етказди. Ақл бўй билан эмас, ўй билан ўлчанганидек, ҳар бир инсон ақл билан идрок этиб, ҳаётда хушёр бўлган тақдирдагина бугунги тинчликнинг қадрига етади.

Баъзан атрофимиздаги одамларнинг: “Бизга қараб қолибдими? Бошқалар ҳам бор-ку. Менга нима? Оч қорним, тинч қулоғим”, деб ўзини четга олаётганини кўрамиз. Бу лоқайдлик сабаб ўз-ўзидан, яқинларидан, Ватандан узоқлашиб, бегоналашиб қолмайдими? Бундай одамлар сафи қанчалик кенгайса, содиқлар, ватанпарварлар, эл дардида яшайдиганларнинг елкасига оғир юк тушаверади. Улар бошқаларнинг зиммасидаги вазифаларни ҳам ўз елкасига олишга мажбур бўлади. Вазифа бир кун олдин бўлмаса, бир кун кейин бажарилиши мумкин. Аммо елкалар қаваради, қад букилади. Бошқалар заҳмат чекаётган вақтда мудраб умр кечираётган лоқайд, бефарқ, боқимандалар фидойиларнинг роҳатига шерик ҳам бўлади.

Қаерда тинчлик ва осойишталик ҳукм сураётган экан, ўша юртда таракқиёт бўлади. Бизнинг эришаётган ютуқларимиз замирида ҳам ана шу тинчлик-осойишталик ётади.

Б. ҚОДИРОВ
Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти бўлим
бошлиғи.
А. АТАЕВ,
катта илмий ходим

ТАБИАТ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Экологик билимлар — инсон ва табиат ўртасидаги мураккаб муносабатларни тушунишга ёрдам берадиган назарий ва амалий билимлар мажмуасидир. Бу билимлар инсонни табиатга бўлган ижобий муносабати, яъни табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ифлосланишни камайтириш, биохилмахилликни сақлаш ва экологик барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутadi.

Экологик саводхон инсон ўз ҳаёт тарзи орқали атроф-муҳитга камроқ зарар етказди, қайта ишлаш, энергияни тежаш, тоза муҳитни сақлаш каби жараёнларда фаол қатнашади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам экологик таълимга катта эътибор қаратилмоқда. Мактаб ва олий ўқув юртларида экологик фанлар таълим тизимига жорий этилган. Миллий кадрлар базасида экология соҳасида мутахассислар етиштириш борасида узлуксиз кадрлар сиёсати ҳам

йўлга қўйиб борилмоқда. Шу билан биргаликда давлат сиёсати даражасида «яшил иқтисодиёт», «экологик маданият», «қайта тикланадиган энергия манбалари» каби муҳим стратегиялар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Шунингдек, кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фаоллар томонидан аҳоли ўртасида эколог маданиятни оширишга оид маърифий ишларни олиб бориш, ҳашарлар, кўчат экиш акциялари, турли лойиҳалар йўлга қўйилган.

Шунингдек, бугунги кунда нафақат бир-

гина давлат, балки дунё ҳамжамиятида ҳам ҳар канча ҳаракатларга қарамасдан, экологик муаммолар долзарблигини йўқотмаган. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши, сув ресурсларининг камайиши, чўлланиш, атмосферага зарарли моддалар чиқарилишининг кўпайиши каби муаммолар ҳалигача мавжуд. Уларни бартараф этиш учун нафақат давлат, балки жамиятнинг ҳар бир аъзоси фаол қатнашиши лозим.

Агар ҳар бир инсон ўзини табиатнинг ажралмас қисми деб билса, келажак авлодларга тоза муҳит, соғлом ҳаёт қолдириш имконияти ортади.

Наврўзбек ЮСУПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати



Глобал ахборот тармоғи имкониятларининг кескин ошиши шахсий маълумотлар хавфсизлигига доир жиддий хавф-хатарларнинг ҳам кучайишига сабаб бўлмоқда.

ЯШИЛ КЕЛАЖАК УЧУН ИННОВАЦИЯ

Бугунги кунда экологик муаммолар инсоният учун энг долзарб масалалардан бирига айланган. Ташланаётган чиқиндилар, иқлим ўзгариши ва табиий ресурсларнинг камайиши глобал хавф туғдираётган бир пайтда, қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергиясини ишлаб чиқариш технологияси муқобил ечим сифатида эътиборни тортмоқда.

Ривожланган давлатлар аллақачон ушбу йўналишда катта ютуқларга эришган. Масалан, Швеция ва Япония каби мамлакатлар чиқиндиларни ёқиш орқали нафақат атроф-муҳитни ҳимоя қи-

лиш, балки қўшимча энергия манбаларини яратишга ҳам муваффақ бўлди. Ушбу технология чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмини ошириб, полигонларга тушадиган чиқиндиларни кескин камайтиради. Ўзбекистонда ҳам бу масала муҳим аҳамият касб этмоқда. Республика-мизда ҳар йили миллионлаб тонна қаттиқ маиший чиқиндилар ҳосил бўлади ва уларнинг катта қисми тўғри қайта ишланмагани учун экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Чиқиндиларни қайта ишлаш экологик барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий самарадорликни оширишга хизмат қилади. Герма-

ния, Швеция, Жанубий Корея каби давлатларда бу соҳа ривожланган бўлиб, чиқиндилар махсус технологиялар ёрдамида энергия ва хомашё сифатида қайта ишланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш инве-

стиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирларига оид ҳужжат имзоланган. Ана шу ҳужжатларга кўра, мазкур ҳудудларда экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасига замонавий ечимлар ва технологияларни жорий этиш орқали электр энергияси ишлаб чиқарилади ҳамда соҳага тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилади.

Инвестор ва лойиҳа компаниялари 2025-2027 йилларда белгиланган миқдордаги ишлаб чиқариш қувватига эга ускуналарни ишга туширишни таъминлайди.

Шаҳбоз МУРТАЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош
прокуратураси ҳузуридаги
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси иккинчи
курс талабаси

Ёшлар ижодидан



ЮРТ ТАРИХИ

Увайсийнинг чистонларига,
Навоийнинг дostonларига,
Тўмариснинг арслонлигига,
Тан беради дунё аҳли,
Алломалар — бу элнинг бахти.

Темур бобом шиорини,
Мирзо Бобур ашъорини,
Хоразмийнинг алёрини,
Ёд олади дунё аҳли,
Солномадир, бу — элнинг бахти.
Широқ бобом ғуруридан,
Берунийнинг шууридан,
Нодиранинг суруридан,
Дарс олади дунё аҳли,
Салламолар, бу — элнинг фахри!

Алплар боғлаб белбоғини,
Кўтариб юрт байроғини,
Яшнатганда гулбоғини,
Лол қолади дунё аҳли,
Солланади кўнгил дарахти.

БОБУР МИРЗО

Бугун Ҳинд тупроғига кўрк бермоқда Тожмаҳал,
Бобурийлар қудратин ёд этаман ҳар маҳал.
Кўз олдига келади ногаҳон Бобур бобом
Таҳсинлар айтган унга дунё беш аср аввал.

Ўз юртини қўмсаган, оҳ чеккан у фироқда,
Юрак бағри қон бўлиб, ўз юртдан йироқда,
Ҳар ёқда дўсту-душман, қилиб Ҳаққа таваккал,
Ҳар қадамда чап берди қисмат қўйган тузокқа.

Бир тилим хандалаги юртининг армон бўлди,
Соғиниб Андижонни кўз ёши маржон бўлди.

Азиз жонин тасаддуқ айлаб жигарбандига,
Оёққа турғазди-ю, ўзи бедармон бўлди.

Шоҳ бобом бор жафони юрагига кўчирди,
Ҳою-хавас, дунёни ҳаётдан ўчирди.
Фарзандига муҳаббат, юртга садоқат ила,
Унутилмас дамларни ёдимизга туширди.

Маржона МАМАТОВА,
Тошкент давлат
жаҳон тиллари
университети
талабаси



БОШҚАРУВДА ШАФФОФЛИК ВА САМАРАДОРЛИК

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид Давлат дастури Ўзбекистонда давлат бошқарувини халқ манфаатларига хизмат қилувчи, фаол ва самарали механизмга айлантиришга қаратилган. Йилнинг биринчи чорагида қонун устуворлигини таъминлаш ва давлат бошқарувини ташкил этиш соҳасида амалга оширилган чоралар давлат сиёсий ислохотларининг узвий давоми сифатида кўрилади.

Бу жараёнларда ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш, самарали назорат тизимларини жорий этиш ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш асосий йўналишлардан бири бўлди.

Энг аввало, Давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш орқали иш жараёнларини мақбуллаштириш ишларини жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги қарори билан 2025 йил 1 июлдан бошлаб хусусий секторга ўтказиладиган давлат хизматлари ва функциялари рўйхати тасдиқланди. Бу орқали 7 та вазирлик ва идоралар — қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, туризм, қурилиш каби соҳалардаги 11 та давлат функциясининг хусусийлаштирилиши белгиланди. Ушбу ислохот мамлакатда давлат бошқарувини модернизация қилиш, иқтисодий самарадорликни ошириш ва хусусий секторнинг иқтисодиётдаги фаол иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади. Хусусий секторнинг тажрибали ва инновацион ёндашувлари орқали рақобатбардош хизматлар муҳити шаклланади, бу эса аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати ва қулайлигини ошириш билан бирга, давлат бюджетидан молиявий юкни камайтириш орқали ресурсларни бошқа устувор йўналишларга қаратиш имкониятини беради. Бу қадам Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ривожланиш йўлидаги стратегик мақсадларига мувофиқдир.

Мазкур ислохотлар хусусий секторнинг замонавий технологиялар ва бошқарув усулларини жорий қилиши орқали давлат хизматларининг шаффофлиги ва самарадорлигини янада оширади. Масалан, қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар, қурилишда энергия тежовчи ёндашувлар, таълимда рақамли платформалар қўл-

ланиши соҳаларнинг ривожланишига хизмат қилади. Шу билан бирга, давлат томонидан самарали назорат ва тендер жараёнларининг очиклиги таъминланиб, хусусий сектор фаолиятининг адолатли ва қонун доирасида амалга оширилиши кафолатланади. Бу ислохотлар натижасида иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги кучаяди, янги иш ўринлари яратилади ва аҳоли фаровонлиги юксалади, бу эса мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муҳим ҳисса қўшади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарининг илмий-тадқиқот ташкилотлари, таҳлил марказлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида 2025 йил 10 февралда Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилинди. Қарор асосида давлат инспекциялари Қонунчилик палатаси кўмиталарига бириктирилди. Бу орқали парламент назоратининг амалий механизмлари яратилди ва ижро этувчи органларнинг масъулияти кучайтирилди. Шу билан бирга, Қонунчилик палатаси кўмиталарига илмий-тадқиқот ташкилотлари ва таҳлил марказлари ҳам бириктирилиши қонун ижодкорлиги жараёнида илмий ёндашув, таҳлил ва эксперт хулосаларига асосланган қарорларни қабул қилиш имконини беради.

Жорий йилнинг февраль-март ойларида ушбу ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида 50 тадан ортиқ илмий муассасалар ва таҳлил марказлари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Бу жараён давлат бошқарувида янги – таҳлил ва далилга асосланган қарор қабул қилиш маданиятини шакллантиришга хизмат қилади. Бу нафақат қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини оширади, балки уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини ҳам самаралироқ бошқариш имконини беради.

Ахборот сиёсатини такомиллаштиришдаги муҳим ташаббус — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг “Энг яхши ахборот хизмати” танловини эълон қилганидир. Ушбу танлов ахборот хизматларининг профессионаллик даражасини кўтариш, фуқароларга тезкор ва ишончли маълумот етказишда рақобатбардош муҳит яратишга хизмат қилади. Шу билан бирга, танлов давлат идораларининг очиклик ва шаффофлик принципларига риоя қилишини таъминлашда муҳим қадам бўлиб, ахборот сиёсатининг замонавий талабларга мослашувига ёрдам беради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ижро органлари фаолиятини трансформация қилиб, ҳудудий бошқарувни “аҳоли манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида йўлга қўйиш мақсадида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2025 йил 28 январдаги “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши томонидан Кенгаш сўровини, маҳаллий Кенгаш депутати томонидан депутат сўровини юбориш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори маҳаллий давлат бошқарувида шаффофлик ва самарадорликни оширишга қаратилган муҳим қадамдир. Ушбу қарор маҳаллий Кенгашлар ва депутатларнинг назорат-таҳлил фаолиятини кучайтириш, аҳолининг мурожаатларига тезкор ва асосли жавоб беришни таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, 2025 йилнинг биринчи чорагидаги ушбу ислохотлар давлат бошқарувини халққа яқинлаштириш, қарорлар қабул қилишда жамоатчилик ва илмий таҳлилларга таяниш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш каби кўплаб соҳаларни қамраб олди. Бу жараёнлар давлат тизимини нафақат ислох қилиш, балки уни халққа хизмат қилувчи механизм сифатида қайта қуриш йўлидаги муҳим қадамлардир.

Инобат ҲАКИМОВА,
“Тараққиёт стратегияси” маркази
бош мутахассиси

Муассислар:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Савдо-саноат палатаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Ўзбекистон экологик ҳаракати

Таҳрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Актам ҲАЙИТОВ
Камолиддин ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-410
Адади: 1600
Пайшанба кунини чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табок.
Баҳоси келишилган нархда.

«Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси
2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



Мамлакатимизда китобхонлик, мутолаа маданиятини юксалтириш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, давлатимиз раҳбарининг шахсий намунаси барчамизга ибрат бўлмоқда. Зеро, Президентимиз қандай тадбир бўлмасин, аввало китоб ҳақида гапириб, улугларнинг сўзларидан иқтибослар келтириб ўтади. Хорижий давлатларга борганда, у ердаги раҳбарларга китоблар совға қилади. Юртимизда китобхон ёшларнинг сафи кенгайиб бораётганлиги ҳам ана шу эътибор ва меҳрнинг самарасидир.

дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар, шунингдек, Тошкент шаҳридаги “Dream park” истироҳат боғида ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларидаги маданият ва истироҳат боғларида, шунингдек,



Бу ҳақда Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада “Ўзбекистон – китобхонлар юрти” шиори остида V Республика “Китобхонлик ҳафталиги”нинг очилиш маросимида ҳам алоҳида таъкидланди.

Тадбирда турли давлат идоралари раҳбарлари, адиблар, ахборот-кутубхона мутахассислари, жамоатчилик фаоллари, китобхонлар иштирок этди.

Ҳафталикнинг очилиш маросимида сўзга чиққан АОКА директори Асаджон Ходжаев сўнгги йилларда мамлакатимизда ноширлик-матбаа фаолияти, ахборот-кутубхона хизматларини янада яхшилаш, китоб тарғиботини кенгайтириш, мутолаа маданиятини ошириш, таржима йўналишини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталди.

“Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилиниб, соҳанинг норматив-ҳуқуқий базаси такомиллаштирилди; Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган матбаа ускуналари ва қоғоз хомашёси божхона божидан, шунингдек, нашриёт ва матбаа корхоналари эса фойда солиғидан озод этилди.

Китобхонликка оид инфратузилмани мустаҳкамлаш борасида 60 дан ортиқ вилоят, туман ва шаҳар ахборот-кутубхона марказларида капитал-қурилиш ишлари амалга оширилиб, замонавий хизмат кўрсатиш талаблари асосида китобхонларга фойдаланиш учун топширилди. Жумладан, 18 та ахборот-кутубхона маркази янгидан қурилди, деди А.Ходжаев.

Қайд этилишича, 2020-2024 йилларда нашриётлар сони 3,5 баробарга ошиб, бугунги кунда салкам 600 тани ташкил этмоқда. Улар томонидан ҳар йили ўртача 11,6 минг номдаги, ўтган беш йилда эса жами 197,9 млн. нусхада адабиётлар чоп этилди.



Ҳафталикнинг очилиш маросимида “Туркий адабиёт дурдоналари” асарлар мажмуаси Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Президент ва Ижод мактабларига, шунингдек, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлиги хизматида таркибидаги Темурбеклар мактаби ва Жалолиддин Мангуберди номидаги ҳарбий академик лицейларга тақдим қилинди.

2025 йилда болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган яна 50 номда янги асарлар яратилади. Бундан

ташқари бевосита Агентлик ташаббуси билан “Буюклар болалиги” номи ижтимоий буюртмалар лойиҳаси таъсис этилиб, унда юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар, мутафаккир ва адиблар, шоирларнинг болалиги ҳамда уларнинг шахс сифатидаги фазилатларини очиб берувчи янги бадиий асарларга буюртма берилди. Шу кунга қадар мазкур лойиҳа асосида 15 дан ортиқ асарлар яратилди, деди АОКА директори А. Ходжаев.



туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларида “Ноширдан китобхонга” тамойили асосида китоб савдо-ярмаркалари бўлиб ўтмоқда.



Очилиш маросимида сўзга чиққанлар Китобхонлик ҳафталиги каби миллатга чин маънода маънавий озуқа берувчи тадбирлар кўламини кенгайтириш нафақат билим, тажриба, кўникма бериши, балки мамлакатнинг ёрқин келажаги учун мустаҳкам пойдевор бўла олишини таъкидлашди.

Маълумот учун: Ҳафталик доирасида республика бўйича 1000

Бундан ташқари, 25-26 апрель кунлари Ёзувчилар уюшмасининг “Паркент ижод уйи”да ташкил этиладиган ноширлар ва муаллифлар учрашувида болалар ва ўсмирлар адабиётини ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилиниши режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз.

